



ОЛИЙ БАҲ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 4 март, жума № 37 (1878)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

3 март кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизмнинг кўринишларига қарши курашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Давлат раҳбарлари террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аввало, чегарабўйи ҳудудларда барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга доир чора-тадбирлар хусусида келишиб олдидлар. Савдо-иқтисодий муносабатлардаги фойдаланилмаётган улкан салоҳиятни ишга солиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Икки мамлакат ўртасидаги асосий боғланиш нуқталарини бартараф

этиш, боғланишларга оид қоидаларни бирхиллаштириш ва боғланиш қўрилган уйғунлаштириш борасидаги масалаларни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, иқтисодий соҳасида ва молия секторидидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, мазкур соҳаларга оид қўрилган уйғунлаштириш йўллари муҳокама этилди. Давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари раислигида Ўзбекистон - Қозоғистон қўшма ишчи гуруҳини тузиш ва уларга мазкур ишларни ташкил этишни, топшириш тўғрисида келишиб олдидлар. (ЎзА)



Учкўприк тумани марказидан 30 километр оғирда жойлашган Суюнчи қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабида янги спорт зали қурилиши бошланди. Мажмуа яқин кунларда ўқувчи-ёшларнинг сеvimли масканига айланади. 567 нафар ўқувчи тахсил олаётган мактабда замонавий андозалар асосида қурилаётган спорт иншоотига ҳамоҳанг баскетбол, волейбол, футбол майдонлари, югуриш йўлаклари ҳам қишлоқ ёшлари ихтиёрига берилади. Мактабда 140 ўринга эга бўлган янги ўқув биноси ҳам қад ростлайди. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, янги ўқув биноси фойда-

ланишга топширилган, машғулотларни бир сманада олиб бориш имконияти туғилади. Янги иншоот бунёд бўлишида тумандаги 103-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма жамлама қурувчиларининг хизмати катта бўлмоқда. Суратларда: қурилиш майдонида. Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси қурултойдан ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАЙЛИК

Фидойи касб эгалари - шифокорларнинг ишончли суянчиги бўлиши тармоқ касабаси уюшмаларининг вақилири ўз анжуманларига аниқ режа ва катта умидлар билан келишиди. Бойси Сихат-саломатлик йили муносабати билан вазифар қўламини янада кенгайтган, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина эди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ҳаётга илҳам қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, шунингдек, нодавлат секторини, хусусий врачлик амалиётини ривожлантиришнинг замона ҳос иқтисодий механизмининг шакллантиришда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Иқтисодлаштирилган урлология, кўз микрохирургияси, кардиология, жаррохлик тиббиётининг марказлари, Республика шовишлик тиббий ёрдам илмий марказлари ва вилоятлардаги уларнинг бўлимлари ташкил этилиб, муассасалар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Эндилликда замонавий кишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси фаолиятининг жонлигида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий қўмита томонидан узоқ йилларга мўлжаллаб тузилган тармоқ ходимлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақидаги келишув муҳим рол ўйнамоқда. Унинг бандлирида бирида кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, қарияларни ижтимоий муҳофазалаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Сунгги йилларда Гендер тенглик - эркаклар ва аёлларни ҳимоялаш, тенглик масала-муаммоларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда

ушбу Фармон ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек долзарб вазибаларни ўзида қамраган. Бу масала касабаси уюшмаларининг доимий диққат-марказидадир. Янги, аёллар мўҳнатини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналар ва ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар беришни таъминлаш, қисман ҳақ тўланадиган таътилларни боласи учун ёшга тўлгунга қадар узайтириш каби имтиёزلар киритилишига эришилди ва эришмоқда. Жамоа шартномаларидаги муҳим масалалардан яна бири иш ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлашдир. Тиббиёт муассасаларида ишловчи ходимларга иш ҳақи учун маблаг давлат томонидан вақтида молиялаштирилишига қарамай, қимларингидир айби билан тўловлар баъзи жойларда муддатда берилмаётди. Марказий қўмита ўта долзарб масалага масъулият билан ёндашиб, ҳаракат тартибини ишлаб чиқди ва уни илҳам қилишга ҳаракат қилиб келмоқда. Беш йил мобайнида тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш юзасидан ҳамжиҳатликда талайгина ишлар амалга оширилди. Мисол, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма қўмитаси беш йил ичида 100 дан ортиқ ташкилотларнинг (поликлиникалар, туғруқ комплекслари, нодавлат секторларидаги тиббиёт муассасалари ва касалхоналари) фаолиятини ўрганиб чиқди. Натияжада қўлгина ташкилотларда мўҳнатга оид меъёрий ҳужжатлар нотўғри қўлланилаётганини аниқлади. Текширув жараёнида камчиликларни бартараф этишга оид услубий-амалий ёрдам кўрсатилди, тармоқ ходимларига катта миқдордаги иш ҳақи ундириб берилди. (Давоми 3-бетда)

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Хар қандай жамиятда хотин-қизлар қандай мавқеда эгани шу жамият тарққиети даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шу боис мустакилликнинг илк кўнларидан ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Аёллар болаларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш билан бир қаторда жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш, мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини замонавийлаштириш жараёнида фаол қатнашмоқда. Хотин-қизлар қўмиталари долзарб муаммоларни ҳал этиш, оила манфаатлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда, улар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини муносиб ҳимоя этиш, жамиятимизнинг ахборот-маълумот қўлалини ўз ичига олиш ҳақида иш қилиш керак. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида хотин-қизларнинг жамоат ташкилотлари бўлиб турган муҳим вазибаларни белгилаб берилган. Бу ҳужжатлар хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қўлайлаштириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган. (Давоми 3-бетда)

Ўтган йиллар республика авиаходимлари учун муҳим воқеаларга бой бўлди. Мустақиллик муҳим тармоқни юксалиш учун қўлай шароит яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси тузилди. Соҳамизга бўлган катта эътибор, изчил амалга оширилган ислохотлар шарофати ила бугунги кунда давлатимиз рамзи туширилган замонавий ҳаво лайнерлари бугун дунё бўйлаб учмоқда.

Йўловчиларга қўйилгандаги ҳизмат кўрсатиш Миллий авиакомпаниянинг бош вазибасидир. Айни пайтда ушбу йўловчиларимиз 20 дан зиёд халқаро йўналишларда ҳаракат қилишарди. Ушбу рейслар замонавий Boeing-757/765, А-310 ҳамда PJ 85 ҳаво лайнерларида бажарилмоқда. Мамлакатимиздаги «Самарқанд», «Бухоро», «Урганч» аэропортлари ҳам халқаро аэропорт мақомини олди. Ҳисобот даврида мана шундай шароити ишга амалга ошираётган тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш, жамоаларда маданий-маърифий ҳамада спорт, жисмоний тарбия ишларини йўлга қўйишда республика авиаходимлар касабаси уюшма Марказий қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бунда «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги қонун, касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ касабаси уюшма Марказий қўмитаси Ҳаракат дастурлари, бошқа муҳим ҳужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида тармоқ ходимларига ҳизмат кўрсатишни яхшилаш борасида барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилишди. Бу вазибани тўлақонли бажаришда Мар-

Истиқлол берган имкон

злар тушди. Улар мутахассисларимиз томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Шу асосда чўл шароитида ишлаган Миллий авиакомпаниямиз ходимларига оиди. Тармоқ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласи Миллий авиакомпания ҳамда Марказий қўмитанинг диққат-марказида бўлди. 5500 дан зиёд мўҳнатқаш сихатқоғларда имтиёзли равишда дам олдирилди. Болалар ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида эса 8 минг нафар фарзандларимиз ҳордиқ чиқаришди. Кам таъминланган оилаларнинг болалари жамоа шартномаларида белгиланганидек, имтиёزلардан баҳраманд бўлишди. Мадааний-маърифий ҳамда спорт тадбирлари анча жонланди. Хар бир бошланғич ташкилотда «Мадааният ва маърифат» хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланди. Ундан мустакиллик йилларида чоп этилган адабиётлар, Президентимиз асарлари жой олди. Мустақилликимиз учун курашган табарруқ инсонлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи плакатлар билан безатилди. Мустакиллик байрами, Авиация ходимлари кунига ишлаб чиқариш илҳорлари ва мўҳнат фаришлари тақдир этилади. Узоқ йиллар тармоғимизда ишлаган фаришларимизнинг мароқли суҳбатларини ёшларда катта қизиқиш уйғотди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниямиз футбол бўйича ўзининг тарма жамоасига эга. Спортчиларимиз республика мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Шавкат МИНГАЛИЕВ, Ўзбекистон Авиация ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЛАЙНЕРЛАРИ дунё бўйлаб учмоқда

қўшимча беш миллион сўм ундириб берилди. Бундай миқдорлар яна келтириш мумкин. Мўҳнат муҳофазаси ҳам доимий эътиборда. Мазкур масалаларнинг ҳолатини яхшилаш, амалдаги йўриқномалар, технология жараёнларини муваффақиятли бажариш учун қорхона раҳбарлари билан ҳамкорликни қўлайлаштириш ишларини фаолаштиришга уларни ўқитиш учун бора имкониятлар сафарбар этилди. Ўтган даврда мўҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларимиз Тошкент Давлат авиация институтига икки ҳафталик дастур бўйича малакаларини оширишди. Қорхоналарнинг ўзида ҳам ўқувлар ташкил этиш ишлари кўриб берди. Ишлаб чиқаришда жароҳатланган йўл қўймаслик мақсадида турли услубий қўлланмалар чоп этилди. Уларда мўҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатлар ва услубий қўлланмалар ўрин

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Давр шундай шиддат билан илгариланмоқдаки, бу касабаси уюшмалари зиммасига иш услубларини янада тақомиллаштириш, ижодкорлик, хар бир ишда ташаббускор ва фидойи бўлишни талаб этмоқда. Шу асосда кейинги йилларда жамоа шартномаларига ишлаган ва нафақага чиққан фаришларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг таъмирлашга қўшимча бериш, юбилей саналарига моддий рағбатлантириш, зарур ҳолларда қўшимча имтиёз сифатида ҳафта давомида иш соатини бир соатга қисқартириш, касалигига бўйича сихатқоғларга имтиёзли йўланмалар бериш каби бандлар киритилди. Бундан ташқари, ёш болали, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлларга ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўшимча имтиёз ва қафолатлар белгиланди. Ўтган даврда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси томонидан таъсис этилган устама стипендия 4 нафар НДПИ талабаларига, вилоят қўмитасининг муқофоти эса НДПИ ва коллежлар

ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛАНМА

нинг 10 талабасига берилди. Таълим муассасаларида соҳа ходимларини қўшимча 15 фоизлик рағбатлантириш жамоа шартномаларига мувофиқ касабаси уюшма қўмитаси раислари иштирокида тузилган хайбат томонидан амалга оширилмоқда. Бу борада педагог ходимлар томонидан ўтган давр мобайнида фақат 7 марта оғзаки мурожаатлар қилинган бўлиб, улар ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Шу билан бирга вилоят халқ таълими бошқармаси билан тузилган битимга кўра таълим муассасаларида жамоатчилик асосида касабаси уюшма қўмитаси раисларига рағбатлантириш фонди ҳисобидан 30 фоиздан кам бўлмаган қўшимча тўлов белгиланди. Ҳозирги кунда ушбу масала юридик мақомга эга бўлган таълим муассасалари жамоа шартномаларига киритилиб, амалга жорий этилмоқда. Кам таъминланган соҳа ходимларининг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Ҳисобот даврида 112 та мактабда соғломлаштириш оромгоҳида 10 минг 654 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Санаторийларда 286 нафар, профилакторийларда 130 нафар касабаси уюшма аъзоси соғломлаштирилди. Кам таъминланган соҳа ходимларига моддий ёрдам кўрсатилди. Нурота туманидаги селдан зарар кўрган 4 оила ҳам касабаси уюшма мададини ҳис қилди. Спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида 123 та оммавий тадбир ўтказилди. Соҳа ходимларининг аънавийи спортмақдаси оқори савияда ўтди. Вилоятда талаба ва ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шартнолар яратилган. 157 та спорт зали, 1160 та спорт майдончаси ишлаб турибди. Уларда 1179 та тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Ҳасан ФАХРИДИНОВ, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Навоий вилоят қўмитаси раиси

Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари конференциясидан ИШТИЁҚ ВА ИНТИЛИШ БЎЛСА ИМКОНИЯТ ҲАМИША ТОПИЛАДИ

Ҳозирги даврда битимлар ҳамда жамоа келишувларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Касабаси уюшма ташкилотларининг катъий фаолияти натижада вилоятда 68 та тармоқ келишуви ва 1,5 мингдан зиёд жамоа шартномаси тузилишига эришилди. Бу меъёрий ҳужжатлар амалда изчил қўлланилаётганлиги янада муҳимдир. Вилоят бўйича 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, мўҳнат муҳофазаси мақсадларига сарфланган маблаг хар бир ходим ҳисобига ўртача 21030 сўмдан тўри келди. Бу олдинги йиллар-

га нисбатан анча кўпдир. Бинобарин, қўзланган мақсадга ҳам тўлароқ эришилди. Ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан яна бири иш ҳақи вақтида тўланиши ҳамда хар бир кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишидир. Ишлаб чиқаришнинг мароми бозор тала-

ҲАМИОТЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Қорақалпоғистон Олимпия захиралари коллежининг саккиз спортчиси Қозоғистоннинг Жанаўзен шаҳрида ўтказилган арвин кураш бўйича халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди. Ўз вази буйича бахсларда финалга чиққан ҳамюртларимиз - Рашид Утеметов, олтин, Муродбой Ҳўрабоев - кумуш, Дамир Холиқов бронза медалини қўлга киритди. (ЎзА)

манда Италия, Жаҳубий Корея, Германия, Туркия мамлакатлари тадбиркорлари билан биргаликда галларни қайта ишлайдиган, шербат, полиэтилен қоплар ишлаб чиқарувчи, автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрловчи қўшма корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу ҳисобга бугунча 682 та қўшимча иш ўрни яратилди. 131 нафар опа-сингилларимиз «Усто-шоғирд» тизимида янги касб-ҳунар эгаси бўлишди. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун бу ерда хотин-қизлар спортни ривожига қўллаб-қувватлаш берилган. Шунинг учун дунё спорт майдонларида маҳорати билан қўнчилиқни лол қолдирган спортчилар орасида туман хотин-қизлари ҳам қўллаб-қувватланди. Гулзира Каримова ва Дилноза Камбаровалар самбо курашида етакчи. Ўнгилик атлетика бўйича вилоят сарғаш муسابақаларида Гулмира Қодировага тенг келадигани йўқ. Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири

Бир Фармон шарофати

қилиш, нотинч оилаларни муроссага келтириш, маҳалларда янги иш ўринлари яратиш, ободончилик уюмлари, ёшларни янги касбларга йўналтиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Туман ФХД бўлимида ёшларни турмушга тайёрловчи курс очилган. Ўтган давр ичида бу ерда 314 нафар келин-куёв оилада тиббий маданиятни шакллантириш бўйича ўқув дастурини ўтати. Жумладан, туғиш ишларида аёллардан 46316 нафар шифокорлар қўригидан ўтказилган экстрагенитал касалигига билан оғирланган вилоят сихатқоғларида соғломлаштирилди. Андижон тумани аёллари қўли гулгил билан водийда шўҳрат қозонган. Зардушлик махсуслотлари, бежирим қийим-кечаклар, кўркам каштакчилик ишлари ҳатто хориқлик харидорларни хайратга солипти. Ту-

«УСТО-ШОГИРД» ДА касб-ҳунар ўрганишди Аҳоли ўртасида шу кунларда 72 нафар диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий маслаҳатчи амалий иш олиб борапти. Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш эътиборда. Хусусан, туман ва вилоятдаги тақрибга адиля, ички ишлар, прокуратура ходимлари иштирокида семинар-тренинг уюштирилди. Унда маслаҳатчилар оила ва никоҳ, мўҳнат қонунчилиги, уй-жой муаммоларини ҳал этишда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш масалалари билан таништирилди. Найман, Қўчки, Ўқ ер қишлоқларидаги маслаҳатчилар аёлларини хусусий тадбиркорликка жалб


Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Нуронийлар оромгоҳи" уруш катнашчилари, ногиронлар ва пенсионерларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Дастлаб 150 ўринга эга бўлган оромгоҳ 212 ўринга кенгайтирилди.

Бу ерга пойтахтдаги туманлар ижтимоий таъминот бўлимидан, вазирликлар томонидан вилоятларга ажратилган йўлланмалар билан таъминланган кишилар дам олишга келишади. Улар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилиб, керакли бўлган даволаш муолажаларини олишади. Укаланиш, ванна, кварц, УВИ, электроуку, электрофарез, электромассаж, лазеротерапия каби муолажалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, беморлар махсус шифобахш ўтлардан тайёрланган фитобар шарбатлардан истеъмол қилади.

Гипертония, юрак-қон томир, бўғим, ўпка ва

монлар билан ҳам даволанадилар. Оромгоҳда дам олувчиларга 5 маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Тайёрланаётган овқатлар сифати шифокорлар назоратидан ўтказиб турилади. Шифокорлар ҳам ширалардан тортиб, оддий техник ходимларга-ча кечаю кундуз беморлар хизматида. Бунда бош шифокор, фан номзоди, олий тоифали ши-

НУРОНИЙЛАР ОРОМГОҲИ



ошқозон-ичак хасталиклари билан оғриган беморлар бошқа муолажалар қаторида дори-дар-

фокор Лола Йўлдошева раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган ҳақимлар Гўлираёно Маҳмудова,

2005 йил – Сихат-саломатлик йили



Маданий тадбирлар муолажалар тугагач бошланади. Тадбирлар режаси аввалдан тузилиб, оромгоҳнинг кўзга ташланадиган жойига осиб қўйилади. Дам олувчилар телеминора, Амир Темур музейи, Зангиота, Шахидлар ва Хотира майдонлари каби масканларга зиёратга олиб борилади. Дам олиш масканида кутубхона мавжуд бўлиб, унда 4 мингдан зиёд бадиий китоблар, янги газета ва журналлар бор. Кунора кинофилмлар кўрсатилади. Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги музик театр жамоалари, танikli санъаткорлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади. Концертлар уюштирилади.

Зайнаб Юнусметова, Нигора Нуриддинова, Маҳфуза Тўлаганова, Нигора Усмонова, Зоя Сотиболдиева, ҳамширалар Соҳиба Аҳаджонова, Шахло Эргашеваларнинг хизматлари катта.

Ҳақиқатдан ҳам беморлар шифо масканининг тозалиги, баҳаво жойда жойлашгани, шифокорларнинг муолажаларию ширинсўханликлари, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлардан бениҳоя хурсанд. Шунинг учун ҳам улар ҳар йили яна ушбу оромгоҳга дам олишга ошиқадилар.

Раҳимжон ОРИПОВ,
"Ишонч" мухбири,
С.НАСЛЕДОВ
олган суратлар

Конликўл туманидаги «Бердинур» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Турғунбой Қаллепесов эрта тонгдан далага отланди. Галла майсалари баравж ўсаётганини кўриб, дилдан қувонди.

– Ерни экишга барвақт тайёрлашимиз керак, – деди у жамоа аъзоларини йиғиб. Об-ҳаво қизиши ва тупроқнинг иссиқлик даражаси маромига етиши билан уруғ қадашни бошлаб юборамиз.

Фермер хўжалигининг кенг пайкаллари куздаёқ сифатли шудгорланиб, текислаб қўйилган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, далага маҳаллий ўғит чиқарилди. Экин майдонлари ва йўл атрофларига мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди.

– Кўклам меҳнат билан кўркам, – дейди «Генжебек» фермер хўжалиги раҳбари Максет Ембергенов. – Кузда баракали хирмон кўтараман деган деҳқон ҳозирдан ўз тадбирини кўриши керак.

Кишлоқ мулкдорлиги ҳам осон иш эмас. Унинг ўзига яраша ташвишлари бор. Нефт маҳсулотлари ва минерал ўғит олиш учун банкдан қарз кўтариш, техникани сифатли таъмирлаб, ирригация-мели-

Файзли онлар қадри

КЎКЛАМ МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ



орақия тадбирларини белгиланган мuddатда амалга ошириш лозим. Ҳар бир қуёшли кундан оқилона фойдаланаётган «Қилич», «Бойсун», «Арқар Ботир», «Ўтан-5» фермер хўжаликларида баҳорги дала ишлари қизгин паллага кирган. «Бешкўпир», «Жайхун» ширкатлари худудидан ободон-

лаштириш ва кўкламзорлаштириш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Шартнома режалари ошириб баҳарилангани туфайли меҳнат ахлининг моддий манфаатдорлиги ортиб, даромадлари кўпаймоқда.

– Наврўз байрамига пухта тайёргарлик кўрапмиз, – дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Т.Дуйсенбоев. – Овул ва маҳалларда сумалак, гўжа, ҳалим, бешбармоқ каби миллий таомлар, кўкатлардан баҳорий ноз-неъматлар тайёрланиб, байрам дастурхонига тортилади. Кураш, кўпкари, кўчкор ва хўроз уриштириш, арқон тортиш каби халқ ўйинлари, бахшилар мусобақаси ўлан айтишлар уюштирилади.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ислоҳот инсон учун

Республикада етиштирилаётган пахта хомашё-си мамлакатимиз иқтисодийтини юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини таъинда оширишга хизмат қилади. Бунда, албатта етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилиш, хомашёни белгиланган меъёрда сақлаш ҳамда дастлабки қайта ишлашни таъминлашдек муҳим юмушларни баҳарадиган пахта тозалаш корхоналари зиммасига ҳам ўта масъулиятли вазифа юклатилган.

ят пахта тозалаш корхоналарида инсон омилга бoш вазифа сифатида қаралмоқда. Жамоа шартномаларига биноан ишчи-хизматчиларга тузилган кунчи ҳамда меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан бир ойлик маоши миқдоридан мод-

ЎЗ МЕҲНАТИДАН МАНФААТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Кейинги йилларда республикада пахта тозалаш корхоналари тизимида кенг қамровли ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Кўплаб корхоналарда қайта қуриш, реконструкциялаш, шунингдек, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, замонавий ускуналарни ўрнатилган ишлари баҳарилди. Натижанда тармоқ моддий-техник салоҳияти мустаҳкамланди. Олтинга тенг хомашёни исроф қилмасдан, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни камакор сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, соф фойда саломатлигини таъминлаш имконияти яратилди. Бухоро вилоти «Пахтасаннат» худудий акциядорлик бирлашмаси таркибидеги корхоналарда ҳам бу йўналишда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, «Олот пахта тозалаш», «Ғиждувон пахта тозалаш», «Бухоро пахта тозалаш» ва «Жондор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятларида тубдан қайта қуриш ишлари олиб борилди. «Когон пахта тозалаш» корхонаси эса реконструкция қилинди. Аксарият корхоналарда мумкин ажратувчи ихчам ускуналар ўрнатилди. Бунинг самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин ошди. Экспорт-боп тола ишлаб чиқаришга эришилди. Ўз навбатида, ишчи-хизматчилар учун қулай ва хавфсиз иш шaroитлари яратилди. Шу билан бирга уруғлик чигитни ўз вақтида сифатли тайёрлаб, ширкатлар ва фермер хўжаликларига етказиб бериш бўйича олиб борилган тадбирлар ҳам бесамар кетмади.

Умуман ўтган йили худуддаги корхоналарда иш тўғри ташкил этилганлиги боис маҳсулот дастлабки сифатли қайта ишловдан ўтказилди. Йил якуни бўйича 1 миллиард 158 миллион 630 минг сўм соф фойда олинишига эришилди. Бу ишловчиларнинг турмуш даражасини юксалтиришга янада эътибор кучайтирилди, уларнинг манфаатдорлиги ошади, деганидир.

Тармоқ корхоналарида ишловчилар кучли ихтимой химояга олинган. Бунда маъмурият ва касба уюшма кўмиталари ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойили асосида иш юритилаётганлиги ниҳоятда қўл келаяпти. Иш бериувчилар ҳамда бошланғич касба уюшма ташкилотлари томонидан имзоланган жамоа шартномалари бандларининг тўлиқ баҳариллигини таъминлаш юзасидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган.

– Иш самарадорлигини оширишда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан химоялаш, уларга кўнгилдагидек иш ва дам олиш шaroитларини яратиб бериш кабилар ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бинобарин, бу билан ишчиларда меҳнатдан манфаатдорлик туйғуси шакллантирилади, ишга ижодий ёндашув пайдо бўлади, – дейди бирлашма касба уюшма кўмитаси раиси Г.Қосимова. – Шунинг учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёزلарни тўла рўйга чиқариш, бу муҳим меъёрий ҳужжат ижросини таъминлашга асосий эътибор беряпмиз. Эътиборлиси, корхона маъмуриятлари билан ҳамкорликда самарали иш олиб борганимиз боис ишчи-ҳодимларимизни моддий-маънавий томондан кўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, спорт-соғломлаштириш сингари масалаларда бирмунча ютуқлар кўлга киритилди.

Таъкидланганидек, вилоти

дй ёрдам кўрсатилляпти. Овқат пули, йўлқира ҳақлари билан таъминланмоқда. Масалан, ўтган йили бунинг учун 31 миллион 400 минг сўмга ақин маблағ сарфланди. Корхоналарда шинам ошқоналар ишлаб турибди. Ишчиларнинг ишга қатнашлари учун махсус автоуловлар ажратилган. Бундан ташқари, ходимлар тўй, таъзия каби маросимларда ҳам ўзларини ёлғиз ҳис этишмаяпти. Бундай пайтларда уларга белгиланган миқдорда моддий кўмак берилмоқда. Ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Бунинг учун 62 миллион сўм маблағ сарфланган.

Ишловчиларнинг саломатлиги корхона ишини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири саналади. Шу боис жамоа шартномаларида спорт-соғломлаштириш ишларини намунали ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга муҳим ўрин берилган. 2004 йилда ходимлар дам олиш йилари, санаторий-профилакторийларда соғлимининг тиклиши учун 18 миллион 222 минг сўм ажратилди. Тармоққа тегишли болалар оромгоҳларида эса минглаб ўғил-қизлар мароқли дам олдирилди.

Бугун давр ҳар бир кишидан янгича ишлашни талаб этмоқда. Шу маънода, вилот пахта тозалаш корхоналари бугун кечагидан яхшироқ, унмикроқ меҳнат қилишга интиляётганлиги, ишчи омилга эътибор бoш вазифа сифатида қараётгани кувонарли хол. Зеро, айна шу жиҳатлар ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилади.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Орамиздаги одамлар

Фаргона автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси томонидан ўтган йили 170 километр узунликдаги йўлни таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди. Бошқача қилиб айтганда, 1 миллиард 91 миллион 315 минг сўмлик иш бажарилди.

– Ўзбекистон Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бир қатор тадбирлар белгиланди. – дейди бошқарма бошлиги Аъзамжон Эшматов. – Тизимдаги корхона ва ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилиб, сарф-харажатлар аниқ мақсадга йўналтирилди. Натижанда юксак сифат ва самарадорликка эришилди.

ЙЎЛИНИЗ ҲАМИША БЕХАТАР БЎЛСИН

Ташкилотда 450 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишашлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун барча қулайликлар яратилган. Ишчи-хизматчиларга мукофот, моддий ёрдам, овқат пуллари берилади.

Хозирги пайтда ишчилар «Тошкент-Чорбоғ-Чимён», «Тошкент-Ўш» ва Камчик домини автомобил йўлларида жорий ва тўла таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

Техник кўриқлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатилаётган йўллар ўз параметрлари билан харақат хавфсизлиги талабларига тўла жааво беради.

Моддий манфаатдорликнинг оширилганлиги муваффақиятини таъминламоқда. Ходимларнинг ўртача маоши 75 минг сўмга тўғри келади. Моддий ёрдам ва мукофотга ҳам катта маблағ ажратилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб боришмоқда. 30 нафар пенсионерларга кўмаклашилди. «Ифтихор» маҳалласида яшовчи яққа ёлғизларга ҳам ёрдам берилди. Жамоада «Меҳнат муҳофазаси» дастури асосида амалга оширилаётган ишлар туфайли бахтсиз ҳодисалар даярли учрамаяпти.

Сурайё АГЛАЕВА,
«Ишонч» мухбири

Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги «Пахтакор-Урганч» мукобил машина-трактор саройи хисобида 151 гектар экин майдони мавжуд бўлиб, бу йил 80 гектарига чигит экиш режалаштирилган. Жамоада айна кунларда шўр ювиш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Суратларда: (ўнгдан) мироб Д.Хўжаев ёрдамчи сувчиларга сугоришнинг агротехника қоидалари хусусида тушунча бермоқда; сувчи Эргаш Мавлонов.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ олган суратлар



Урганч шаҳри деҳқон бозоридида кўлбола ароқ сотаётган ва акциз марказиз турли хил сигарет сотувчиларни учратиш мумкин. Бозор маъмурияти ҳам бунга кўникиб қолган.

– Балиқонада учта улфат бир шиша ароқ ичдик. Уйга боргач уччаламиз ҳам бир ҳафта тўшака михланиб қолдик, – дейди бир танишим. Очигини айтганда, бу борада фақат бозор маъмуриятини айблаш инсофдан эмас. Чунки кўлбола ароқлар магазин ва кафеларда ҳам пайдо бўляпти. Инсон соғлигига зарар етказаятган бундай шахслар орасида ҳатто маъшул ходимлар учраб туриши ажабланарли.

Ўтган йили «Урганч шароби» ҳиссадорлик жамиятининг тайёр маҳсулотлар омборхонаси мудири Отахон Бекчонов Урганч шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли соқчилар бўлимининг ходими Анвар Рахимов

билан ўзаро тил бириктириб 1 миллион 200 минг сўмлик «Урганч ароғи» ва «Ўзбекистон виносини» ўзига тегишли бўлган «Шаҳзод» чойхонасига олиб бо-

хавф туғдирмоқда. Ҳатто ароқдан захарланиб, шифохонада ҳаётдан кўз юмганлар ҳам йўқ эмас.

Вилотнинг туман ва шаҳар савдо шохобчалари ва кўчаларида акциз марказиз сигарет сотувчилар кўпайиб кетган. Ҳатто сохта тадбиркорлар мактаб ва ўқув юртлари ақинларида, кўча бўйларига жойлашиб олганлар. Таркиби текшириб кўрилмаган турли хил тамаки маҳсулотлари инсон ҳаёти учун хавфлидир. Ўтган йилнинг 12 июл кунини Урганч шаҳар Анна Герман кўчасида яшовчи Бика Собирова ҳазораслиқ Хушнуд Ғофуров билан ҳамкорликда бозордан 11,5 миллион сўмлик акциз марказиз «Пине» сигаретасини Тошкент шаҳри томон олиб бораётгани-

да ушланди. Шовот туманида яшовчи Ойбек Ҳасанов янги бо-

зорлик Раҳматилла Иброҳимовга катта миқдордаги акциз марказиз тамаки маҳсулотлари сотаётганида сири фoш бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Маълумки, хуфёна даромад олувчилар жамиятга, давлатга катта зарар етказаяди. Улар тўғри иш олиб бораётган тадбиркорларни ҳам йўлдан уришади. Ана шундай сохта тадбиркорларга қарши вилот прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларига қарши кураш бошқармаси бирмунча ишларни амалга оширди. Бу иллатларни олдини олиш

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ТАРҚАТУВЧИЛАР

риб тушираётганида қўлга олинди. Текшириб кўрилганда ичимликлар орасида 250 та кўлбола ароқ ва вино борлиги маълум бўлди.

Аслида бемаза қовуннинг уруғидек «заҳри қотил»нинг хомашёси вилотга четдан кириб келади. Нафис ҳақалак отган сохта тадбиркорлар эса катта фойда қуришади. Улар ўзларининг бу хатти-ҳаракатлари давомиди гийена қоидаларига риоя қилишмайди. Харидорнинг соғлигини ўйлашмайди. Натижанда бу спиртли ичимлик истеъмолчилар саломатлигига жиддий

заҳр туғдирмоқда. Ҳатто ароқдан захарланиб, шифохонада ҳаётдан кўз юмганлар ҳам йўқ эмас.

«Ишонч» фoш этади

ва уларга барҳам бериш мақсадида ўтказилган текширишларда 47 ҳолатда спиртли маҳсулотларни ноқонуний сотувага чиқариш, 4 ҳолатда спиртли ичимликлар тайёрланадиган яширин цехлар фаолиятига, 34 ҳолатда спиртни ноқонуний тарқатишга чек қўйилди. Ҳуқуқбузарлардан 6 минг литр спирт ва 2700 шиша ароқ ҳамда вино, 3 та кўлбола ускуна далилий ашё сифатида олинди. Дайдорларга тегишли чоралар қўлланилди.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келиш юзасидан 202 та ҳуқуқбузарлик ҳолати боғжоначилар томонидан аниқланди. Қонунбузарлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

«Ўзмедикал» ўзбекистон кўшма корхонаси бир марта ишлатилмаган шприц ишлаб чиқара бошладди.

Кўшма корхона директори С. Остоновнинг айтишича, корхонада қирқ беш нафар киши иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисми вилотдаги даволаш муассасаларига, қолганлари эса республикадаги тиббий даргоҳларига юборилмоқда. Корхонага керакли маҳсулотлар ҳозирда Жанубий Кореядан олиб келиняпти. Келгусида маҳаллий хомашёдан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

ХАРИДОРНИ МАҲСУЛОТ

«Ўзмедикал» ўзбекистон кўшма корхонаси бир марта ишлатилмаган шприц ишлаб чиқара бошладди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан

ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Баъзан шундай бўладики, иш бевари амалдаги қонунларимиз яхши билмаслиги ёки юзакичилик, турчиликка берилиб, ноқонуний қарорлар қабул қилади. Бунинг натижасида қимматли вақтлари зое кетмоқда. Тошкент шаҳар клиник-руҳий касалликлар шифохонаси рентген бўлими мудири А.Тригуловнинг муножазати бўйича мутахассислар текширув ўтказишди. Мазлум бўлдики, унинг ренгтонолг бўлиб ишлаши эътиборга олинмай, даромад солиғи нотўғри ҳисоблаб келинган. Муаммо ҳал этилди. Мутахассисдан 80 минг сўм ўрнига 18 минг сўм ушлаб қолиниши исботланди. Шунингдек, 2-марказий поликлиниканинг фельдшер-диспетчери И.Корепанова, шаҳар руҳий клиник касалхонасининг рентген бўлими мудири В.Терезина, масъулияти чекланган «Санитадез» жамиятини лаборатория А.Раззоқовларнинг муножазати бўйича текширилди, уларга ишга тийишли нафақа расмийлаштиришига эришилди.

Фармон юзасидан белгиланган тадбирларнинг қўлгана вилоятларда бажарилиши қаноатланарли эмас. Масалан, Олмалик шаҳри ва Чиноз туманида бундай фонд умуман ташкил этилмаган. Хатирчи туман марказий шифохонасида эса 15 фоиз ўрнига 8,8 фоиз, Кониш туман марказий шифохонасида 8,9, Томи туманида 7,5 фоиз ташкил этилган, холос. Демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Марказий қўмита ва вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг эшикларига меҳнатқашлар учун ҳамиша очик. Узро ҳамкорлик мустаҳкамланаётганини ҳаётининг ўзи кўрсатади. Жумладан, ҳисобот даврида 1010 оғзаки муножазатлар, 4447 ёзма аризалар қўриб чиқилди. Уларнинг 95 фоизи ижобий ҳал этилди.

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари конференциясидан

(Боши 1-бетда)

Ҳисобот даврида вилоят кенгаши жойларда янги иш ўринлари яратилишига қўллаб-қувватлашга қатъий эътибор берди. Бу борада вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси билан, айниқса, яқин ҳамкорлик қилинапти. Махсус Дастирда мувофиқ иш олиб борилиб, 130 миңга янги иш ўрни яратилди. Бунинг катта қисми ўрта ва кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Натижада кўплаб кишиларнинг ижтимоий аҳоли, турмуши яхшиланди.

Меҳнат муҳофазаси борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. 2000 - 2001 йилларда 400 дан зиёд профилактик текширишлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди. Касаба уюшмаларининг меҳнат техника инспекцияси туғатирилган кейин вилоят Кенгаши жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасида иш олиб борди. Жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларига меҳнат муҳофазаси мутасаддилари услубий, ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Шунинг натижасида беш йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлганларга, вафот этганларнинг оилаларига 38,3 миллион сўм тоғов ва нафақа пуллари ундириб берилди.

Жамоаларда меҳнатга оид қонунларга риоя этилиши назорат қилиш бўлгани натижада касабаларнинг меҳнат қулоқлари яқин кўрилади. 2004 йилда Федерация Кенгашининг қарорига биноан уюшма аъзолари 30 миңдан кам бўлмаган Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларида вакилликлар, касабалар уюшма қўмиталари раислар кенгаши жойида тўғри эъланди. Шунингдек, туман, шаҳар бўйича ҳам вакилликлар ташкил этилди. Бу қозғолиқ, расмиётчилик чек қўйиб, асосий эътибори бошланғич ташкилотларга қаратиш, долзарб масалалар билан жиҳдий шугулланиш имконини беради.

Қурултойда ташкилий масала қўрилди. Озодаҳон Мухитдинова Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшма Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Раҳима ЖУРАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

ИШТИЁҚ ВА ИНТИЛИШ БЎЛСА ИМКОНИАТ ҲАМИША ТОПИЛАДИ

ланувчиларининг 18 нафар жажон, 16 нафари Осиё, 128 нафари республика чемпиони бўлишди.

Хисобот даврида касабалар уюшмаларининг халқаро алоқалари ҳам кенгайди. Шу даврда Самарқандда Туркия, Корея, Озарбайжон, Япония, Миср, Хиндистон, Дания касабалар уюшмаларининг делегациялари ташриф бўрди.

Соғлом киши жамиятга кўпроқ наф қилтиради. Вилоят касабалар уюшмалари меҳнатқашларнинг соғломлаштириш йўналишида ўз дастурига эга. Шунга қўра ўтган йиллар мобайнида 9837 нафар меҳнатқашга санаторийлар йўланмаси олиб берилди.



«Бухоротекс» акциядорлик жамиятига қарашли 60 ўринга муҳалланган санаторий-профилакторийда асосан ушбу қорхонада ишловчи аёллар саломатликларини тиклашади. 2004 йилда 900 дан ортиқ ишчи саломатлигини тиклаб қайтди.

«Бухоротекс» акциядорлик жамиятига қарашли 60 ўринга муҳалланган санаторий-профилакторийда асосан ушбу қорхонада ишловчи аёллар саломатликларини тиклашади. 2004 йилда 900 дан ортиқ ишчи саломатлигини тиклаб қайтди. Қолаверса, ушбу йилда ҳам бош шифокордан тортиб то ҳамшираларгача уларнинг ширинсуханликлари-ю яхши муолажалари билан дам олувчилар дардига малҳам бўлмоқда.

Тиббиёт коллежимиз нафақат водийда, балки республикада нуфузли ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳамширалик, акушерлик, стоматология, ортопедик стоматология йўналишлари бўйича 3 миң 200 нафарга яқин талаба умумтаълим ва касбий фанлардан тахсил олмақда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар, фахрийлар, мураббийлар кенгашлари ва бошқа жамоа ташкилотлари қўллаб-қувватлашга қатъий эътибор берди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар, фахрийлар, мураббийлар кенгашлари ва бошқа жамоа ташкилотлари қўллаб-қувватлашга қатъий эътибор берди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

хоналари ташкил этилган. Жанубий Корея, Япония ва Германиядан келтирилган жиҳозлар, техник-воситалар билан жиҳозланган амалиёт ўқув хоналари ҳавасингизни уйғотади.

Жамоада ўтган йили боқувчиларни йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилади.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омилга айланди.

Ташкент шаҳар ҳокими ва пойтахт хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

КАСБИЙ КЎНИКМА АФЗАЛЛИГИ

ри ўз фаолиятларини ана шу мақсад сари йўналтиришга ҳаракат қилишмоқда.

ҚАҲҚОРОВ, Андижон тиббиёт коллежи директори

Ҳамкорлик туфайли марказдан аудио, видео кассеталар ва турли адабиётлар олинди, улардан самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Заонавий санъат марказида «Бизнинг меросимиз» туркумидаги «Аср тенгдошлари» кўргазмаси очилди.

Санъатшуносларнинг фикрича, ушбу расомлар авлоди Ўзбекистонда тасвирий санъат мактабининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Улар ўз ижодини юртимизнинг гузал табиаи, ҳалқимиз турмуш тарзи, анъаналарини тасвирига бағишлаган ва келажак авлод учун катта маънавий мерос қолдирган.

“TOSHUYJOYLOYINA” OAO АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

- 2005 йил 1 апрел куни соат 11.00 да М. Ёқубова қўчмаси 43-уйда акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестр) 2005 йил 1 март ҳолатига биноан тузилади.

